



МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТУШУНЧАСИНИ ЁШЛАРГА СИНГДИРИШДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ РОЛИ

А. Н. Мамиров

Alfraganus University “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта
ўқитувчиси фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Маълумки ҳозирда Ўзбекистонда фан-маърифат жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бу ривожланишлар негизида толерантлик мунособатлари ётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мақолада ҳозирги ёшларда толерантликни шакллантириш ҳозирги фан ва маданият ривожига қўйилган тамал тоши эканлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Иқтисодий, ижтимоий, миллий ўзлик, маданий, мактаб, мусулмон, университет, дорулфунун, толерантлик, миллий уйғониш
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрда Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида: «Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавий ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиши, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир,»¹ деб таъкидлаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги шиддат билан ривожланаётган давримизда ёшларни турли диний, маънавий ва кибер таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ўзлигимизни сақлаб қолиш ва миллийлигимизни авлоддан-авлодга ворисийлик тамойили асосида етказиб бериш Ўзбекистон халқи олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир миллат ўзлигини англаши жараёнида ўзлигини ҳимоя қила оладиган, қалқон бўладиган барча омил ва воситаларда намоён бўлиши лозим. Ўз-ўзини

¹ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик.//«Халқ сўзи», 2016 й. 19 октябрь.



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfseries.com

2nd December, 2025

англаш жараёни ҳар бир миллатнинг ўз «мен»лигини англашини ташкил этишини ҳисобга олсак, булар:

Ҳар бир жамият ўз атрофида содир бўлаётган барча жараён ва муносабатлардан мустақил субъект сифатида ҳис қилиши, бу жараённи тараққиётнинг асосий шарти сифатида англаб етиши;

Йиллар давомида шаклланган миллий тили, қадриятлари, миллий анъана ва урф одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириб келажак авлодга етказиши;

Тарихий хотирани унутмаслик, ор-номус, ифтихор, миллатнинг қадр-қиммати каби туйғулар ҳар бир миллат вакили ҳаракатларида намоён қилиш;

Ўзига хос бўлган миллий манфаатларни бошқа манфаатлардан устуворлигини ёш авлодга тушунтириш;

Ватанга садоқат, уни асраш, ватанпарварлик тамойилларини ёшлар онгига сингдириш;

«Миллатпарварлик» тушунчасини ёшлар онгида шакллантириш ва уни мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш;

Ўзимизга хос бўлган миллий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалда тарғиб қилиш;

Ўз миллий тараққиётимизни шакллантириш жараёнида бошқа миллат вакиллари манфаатларини ҳам ҳисобга олиш ва эътироф этиш.

Юқоридагилардан шуни кўриш мумкинки, ҳар бир миллат ўзлигини англаши ва уни шакллантириши узоқ тарихий босқич билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Ҳар бир миллат миллий ўзлигини англамас экан, миллат мақомига эриша олмайди. Ўзлигини англаш учун эса миллий тарихи, келиб чиқиши, маданияти ва урф-одатларининг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш муҳим ҳисобланади. Қачонки бирор-бир миллат ўзини мустақил онг деб тушуниб етмас экан, миллат ўзини-ўзи англаши орқада қолиб бораверади. Ҳар бир миллатнинг мустақиллиги ўз мустақиллигини ўзгалар билан таққослашда, миллий тараққиёт жараёнига таъсир қиладиган турли салбий таъсирлардан холи бўлишида, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий соҳаларда бировларга қарам бўлмаганлигида намоён бўлади. Энг аввало, ҳар бир миллатнинг мустақиллиги инсон ҳуқуқларини ўша давлатда тўлиқ амал қилиниши, ҳар қандай муносабат турларида ҳар бир миллат вакилининг ўзаро



тенг эканлигини англаб етишишида ўз аксини топади. Агарда ҳар бир миллат ўзлигини англаш жараёнида ўзини мустақил субъект сифатида англашга интилиши мамлакатни ичдан емирилишига олиб келиши мумкинми? деган савол туғилиши мумкин. Мана шундай жараёнда агар давлат томонидан мувозанатни ушловчи асос топилмас экан, ҳеч қандай бағрикенглик ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Агар миллатнинг ўзини англаши мамлакат ичида салбий оқибатларга олиб келадиган бўлса, бу жараёнга салбий натижа сифатида қараш керак бўлади. Аслини олганда, ҳар бир миллат ривожланиши жараёнида ўзини мустақил субъект сифатида ҳис этиши миллатларнинг бир-биридан узоқлашишига эмас, балки ўзаро тенглик асосида бир-бирларига яқинлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзлигидан бегоналашув миллатни яккалантириб, ривожланишини ҳам қийинлаштириб қўяди. Бу борада Ў.Абиловнинг фикрлари диққатга сазовордир: «Ҳар қандай миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан миллат қандай ривожланиш йўлидан боришига, миллий ўзликни англашига боғлиқ. Агар унинг амалий ва қонуний тараққиёти миллий маҳдудлик тусини олса, оптимистик йўналиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас»².

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, биринчидан, ҳар бир миллат ўзини барча жараён ва муносабатлардан холи субъект сифатида англаши, шу миллатнинг ривожланиши ва миллий тараққиётга эришишида асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, бирор-бир миллат ўз мустақиллигини тўлақонли англаши ўзини бошқалардан яккалаб қўйиши лозимлигини англаб билиши, балки ўзининг тўлақонли бағрикенглик асосида бошқа миллатлардан кам бўлмаган ҳолда ривожланиши ва такомиллашиб боришини англаб билиши.

«Миллий ўзлик» тушунчаси ҳар бир миллатда бўлгани каби урф-одат ва анъаналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агар ҳар бир миллатнинг урф-одат ва анъаналари реал ҳолда амалга ошириб, бунинг учун кенг имкониятлар мавжуд бўлса, бир томондан, бу анъаналар ривожланиб боради, иккинчи томондан, улар бир-бирларини бойитиб бориш жараёни ҳам кечади. Албатта, бу борада

² Абилов Ў. Ўзликни англаш. Ўзбекистон - бағрикенг диёр. Ўзбекистон – страна толерантности. (Ўзбек ва рус тилларида) / маъул муҳаррир А. Очилдиев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 516.



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfseries.com

2nd December, 2025

ёш авлодни бағрикенглик руҳида тарбиялашда миллий анъаналаримизнинг муҳимлиги ва уларни ёшларга тарғиб қилишнинг аҳамияти жуда катта.

Аслини олганда, республикамизда миллий ғурур, ифтихор ва миллатнинг шаъни кабиларни анлаган миллатгина ўзлигини англаши, бошқа миллат вакилларига ҳам ҳурмат билан қараши лозим. Бу хислатлар ҳар бир миллатнинг тафаккури ва онгининг қанчалик даражада юксак ривожланганлигини билдиради. Миллат онгини эса фақатгина маърифат ва маънавиятга жиддий эътибор берилгандагина ошириш мумкин. Акс ҳолда бундай миллат келажак авлод олдида ўз масъулиятини йўқотади, залолатга юз тутиши муқаррар бўлади.

Толерантлик йўналиши бўйича юртимизда амалга оширилаётган ижобий ишлар дунё миқёсида юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу борадаги фикрлар Германия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллод ва мухтор элчисининг сиёсий-ижтимоий масалалар бўйича референти Ренате Ленер томонидан айтиб ўтилгани қувонарли ҳол. Бу ҳақда Ренате Ленер: «Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий соҳаларда биз ўйлагандан кўра анча илгарилаб кетган, кўплаб бошқа Шарқ мамлакатларига ҳақиқий маънода ўрناк бўла оладиган, демократик давлат эканига гувоҳ бўлдим. Конференция диний бағрикенглик мавзусига бағишлангани мени қувонтирди. Бу ерда турли дин вакиллари – католик, православ, мусулмон, яҳудийлар бир-бирлари билан худди яқин қариндош, биродарлардек мулоқот қилаётганларини кўриб, Ўзбекистоннинг диний соҳада олиб бораётган сиёсати тўғри ва адолатли эканига амалда гувоҳ бўлдим. Мен олдин ҳам расмий ташриф билан мусулмон давлатларида бўлганман. Лекин турли дин вакилларини эркин ва хотиржам ҳолатда, худди Ўзбекистондагидек хурсанд юрганларини кўрмаганман»³, дея таъкидлаши айниқса, диққатга сазовордир.

Албатта бу ерда ҳар бир миллатнинг ўзини миллий ғурурини шакллантириши ўзини бошқа миллатдан устун қўйиши керак, дегани эмас, албатта. Ҳар бир миллат ўзга миллат вакилларини камситмаган ҳолда, ўзи миллати эришган ютуқлардан ғурурланиши ва фахр туйғусини ҳис қилиши тушунилади. Бу

³ «Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови». 12 news.uz



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfseries.com

2nd December, 2025

туйғуларнинг мавжуд бўлиши, энг аввало, мамлакатда миллий бирликни мустаҳкамлайди, давлатда яратувчилик фаолиятини фаоллаштиради, миллатнинг ўзгалар олдида обрўси ошишига хизмат қилади. Тарихдан ҳар бир миллатда ор-номус, ғурур туйғулари катта аҳамиятга эга бўлиб келганлигини кўришимиз мумкин. Чунки бу туйғулар замирида ҳар бир миллатнинг салобатлилиги ва улуғворлиги, бошқа миллатлар олдида нуқсонлардан холи эканлигини англатувчи маънавий юксак тушунча ва туйғулар туришини ҳаммамиз англамоғимиз лозим.

Республикамиз тобора ривожланиш сари қадам қўяр экан, «байналмилаллик» тушунчасига ҳам эътибор қаратиш зарур. Зеро, бу тушунча негизида республикамиздаги турли миллатлар, конфессиялар ва турли маданият вакиллари аҳиллиги, бир тан, бир жон бўлиб фаолият олиб боришлари тушунилади. Ҳар қандай миллат фаолияти давомида бошқа миллат вакиллари билан мулоқотга киришилади. Ушбу ўзаро муносабатлар натижасида фикр алмашилиши сабабли турли миллатлар учун умумий хусусиятлар вужудга келади. Бу эса ўз ўрнида байналмилаллик деб аталади. «Байналмилаллик», «бағрикенглик» тушунчалари нафақат умумий хусусиятлардан бохабарликни, балки уларга нисбатан сабрлилик, ҳурмат ва тенглик хусусиятларини ҳам ўз ичига олади.

Турли конфессия ва миллатлари бирлашгандагина жамият тараққиётига эришишимиз мумкин. Бу борада инсонпарварлик ва демократик тамойилларга содиқлик ғояларини ёшларга сингдириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориш лозим. Зотан, «Инсониятнинг буюк вазифаси ягона, ҳуқуқлар яратувчи фуқаролик жамияти куришдан иборат»⁴.

Бугунги кунда сир эмаски, неототалитаризм, неоавторитаризм, миллатчилик, фундаментализм каби инсоният ривожига салбий таъсир қилувчи кўплаб ғояларнинг ҳали ҳам мажудлиги юртимизда турли миллат ва элат вакиллари, диний конфессияларнинг умуммиллий ғоя атрофида бирлашишини тақозо қилмоқда. Ҳозирда жаҳонда геосиёсий мақсадлар асосида турли сиёсий кучлар мустақиллигимизни заифлаштириш йўли билан ўз ғаразли

⁴ Стипушин В. У кого власть в правовом государстве? // Международная жизнь. - №11. 2007.-34.стр.



мақсадларини амалга оширишга пайт пойлаб турганлигини кўришимиз мумкин.

«Минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда»⁵. Ушбу воситаларни уч йўналишда кўришимиз мумкин: информацион уруш, психологик уруш, технологик уруш.

1. Информацион уруш. Ҳозирда жамиятимиз информацион даврда яшамоқда. Кимда информация бўлса куч, бошқарув ҳам унда. Интернет, техника, технологиялар ривожланиб, ҳозирги даврнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. Бу технологияларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Лекин мана шу техника воситаларидан ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш учун фойдаланиб келаётганлар ҳам йўқ эмас. Ўзининг диний, сиёсий ва маънавий ғараз ниятларини амалга ошириш учун ёшлар онгини заҳарлаш орқали ўзига тобе қилишга қаратилган ҳаракатлардан ёшларимизни асраб авайлашимиз шарт. Амалга оширилаётган сиёсатда, албатта, бу каби ғоявий хуружларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўриб чиқилмоқда.

2. Психологик уруш. Бугунги кунда юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар, диний конфессияларни бир-бирига қарши қаратилган ғояларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳозирги давримизнинг энг катта муаммоларидан ҳисобланади. Давлатимизнинг танлаган йўли нотўғри эканлигини ёшлар онгига сингдириш, уларни охир-оқибатда ижтимоий инқироз кутаётганига уларни ишонтиришга бўлган интилиш айнан психологик урушнинг асосий мақсадига киради. Бундай салбий таъсирлардан ёшларни асраб авайлашимиз учун уларни маънавият ва миллийлигимизга муҳаббат тарзида тарбиялашимиз муҳим.

3. Технологик уруш. Бирор-бир давлат ҳозирги кунда бошқа давлатнинг эътиборини тортиш мақсадида ўз иқтисодий, информацион технологияларини тарғиб қилишга интиломоқда. Бу ҳаракатлардан асосий мақсад шуки ўзининг

⁵ Миллий истиқлол ғояси. Асосий тушунча ва тамойиллар.-Тошкент.: Янги аср авлоди.2000.-26 б.



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfseries.com

2nd December, 2025

янги технологиялари билан бирга тараққиёт моделини сингдириш ва экспорт қилиш имкониятини яратиш. Албатта, ҳар бир техника ва технология негизида рекламалар орқали ғоявий тарғибот ва ташвиқот туради. Бу эса бугунги кун ёшларининг ўзи билиб-билмаган ҳолда ўша давлатга техникавий ва маънавий томондан тобе бўлишига олиб келиши мумкин.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилар экан: «Бу ҳужжатнинг асосий мақсади барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган. Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади - инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз»⁶, дея алоҳида таъкидлаган эди.

дарҳақиқат ҳозирги даврда давлатимизда турли миллат ва диний конфессияларни ягона умуммиллий ғоя атрофида бирлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Юртимиздаги барча миллат вакиллари ва диний конфессияларни ягона ғояга бирлаштириш орқалигина ўз тараққиётимизни жадаллаштиришга эришамиз.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиз мамлакат тараққиётини жадаллаштириш учун ўзининг мана шу имкониятларидан фойдаланиш муҳитини яратди. Совет ҳокимияти даврида кескинлашиб кетган муаммоларнинг бартараф этилиши, юртимиздаги турли миллат ва элатларнинг эҳтиёжини қондирувчи механизм шакллана бориши, иқтисодий, сиёсий ислохотлар стратегиясини ишлаб

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>



International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from New York, USA

Website: econfseries.com

2nd December, 2025

чиқаётганда мамлакатимизнинг диний ва миллий ҳар-хиллигини эътиборга олиниши - ана шу имкониятлар туркумига киради.

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданият марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ хунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда⁷.

Кўп миллатли ва кўп конфессияли давлатимизда бағрикенглик тамойилларини шакллантиришимиз зарур бўлади. Чунки жамиятимиз тараққиёти ва ривожланиши учун бирдан-бир ягона йўлимиз шу.

Юртимиздаги барча миллат ва дин вакиллари ягона умуммиллий ғоя атрофида бирлаштириш зарурати бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шу сабабли турли этнос вакиллари онгига миллий ғоямизга асосланган қадриятларимиз ва маънавиятимизни сингдириш зарурати ортиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир”⁸, дея бежиз таъкидламаган. Зеро, халқимиз маънавиятига хос бўлган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити таъминланиши аввало, юртимизда тинчлик ва барқарорликнинг ҳукм суришида муҳим ўрин тутди.

⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. №1. Т.-«Ўзбекистон».-2018. -297 б.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliyas-28-12-201>



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик.//«Халқ сўзи», 2016 й. 19 октябрь.
2. Абилов Ў. Ўзликни англаш. Ўзбекистон - бағрикенг диёр. Ўзбекистан – страна толерантности.
3. (Ўзбек ва рус тилларида) / маъул муҳаррир А. Очилдиев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 51б.
4. «Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови». 12 news.uz
5. Стипушин В. У кого власть в правовом государстве? // Международная жизнь. -№11. 2007.-34.стр.
6. Миллий истиқлол ғояси. Асосий тушунча ва тамойиллар.-Тошкент.: Янги аср авлоди.2000.-26 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.№1. Т.-«Ўзбекистон».-2018. -297 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-201>.